

ЖАДИДЛАР ДАВРИДА КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ КУРАШ ФАОЛИЯТИ

Сапаров Бахтияр Дошниязович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети магистратура тингловчиси

Аннотация: XX аср бошларида Туркистонда юзага келган жадидлар ҳаракати фақатгина таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишни эмас, балки жамиятни ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини адолатли қилиш каби кенг қамровли мақсадларни кўзлаган. Жадидлар коррупцияни жамиятнинг таназзулига олиб келувчи асосий омиллардан бири сифатида баҳолаганлар.

Мазкур мақолада XX аср бошларидаги жадидлар ҳаракатининг коррупцияга қарши кураш борасидаги фаолияти таҳлил қилинади. Жадидлар нафақат маърифат, балки давлат бошқарувидаги адолатсизлик ва порахўрликка қарши курашни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Уларнинг асарлари, мақолалари ва сиёсий фаолияти орқали коррупцияга қарши ёндашувлари ёритилади.

Аннотация: В данной статье анализируется деятельность джадидов в начале XX века в борьбе с коррупцией. Джадиды ставили перед собой цель не только просвещение, но и борьбу с несправедливостью и взяточничеством в государственном управлении. Через их произведения, статьи и политическую деятельность раскрываются их подходы к противодействию коррупции.

Annotation: This article analyzes the activities of the Jadids in the early 20th century in the fight against corruption. The Jadids aimed not only to promote enlightenment but also to combat injustice and bribery in government administration. Their approaches to combating corruption are revealed through their works, articles, and political activities.

Калит сўзлар: жадидлар, маърифат, коррупция, порахўрлик, адолат, таълим ислоҳоти, матбуот, миллий уйғониш, давлат бошқаруви, ҳуқуқий онг.

Ключевые слова: джадиды, просвещение, коррупция, взяточничество, справедливость, реформы образования, пресса, национальное возрождение, государственное управление, правовое сознание.

Keywords: jadids, enlightenment, corruption, bribery, justice, education reforms, press, national revival, state administration, legal awareness

КИРИШ

Коррупция — давлат ва жамият ҳаётида ўз манфаатини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда амал қилиш ҳолати бўлиб, у ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига тўсик бўлади. Жадидлар даврида коррупцияга қарши кураш миллий қадриятларни асраб-авайлаш, адолатли жамият барпо этиш мақсадида жуда долзарб масала сифатида қаралган.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkiston ўlkasi ijtimoiy, siёсий va iqtisodiy jihatdan ogir ahvolda edi. Rus mustamlakachiligi taъsirida xalqning huquqlari cheklangan, davlat boshqaruvida poraxўrlik, adolatsizlik va bilmisizlik kuchaygan edi. Bunday sharoitda millat takdiri haqida qayguraётган ziёlilar guрухи pайдо бўлди. Ular keyinchalik **jadidlar** deb nom oldi.

Jadidlar xarakati faqatgina taъlim-tarbiya sohasini isloх qiliшни emas, balki jamiyatni isloх qiliш, davlat boshqaruvinin adolatli qiliш kabi keng kamrovlari maqsadlarini kўzlagan. Jadidlar korruptsiyani jamiyatning tanazzuliga olib keluvchi asosiy omillardan biri sifatida baхolaganlar

Jadidchilik (“usuли jadid” — “yangi usul”) dastlab taъlim isloхоти sifatida boshlangan бўlsa-da, tez orada butun jamiyatni qamrab olgan siёсий-maъnaviy xarakatga aйланди.

Jadidchilik xarakati ilk bor maъrifat, taъlim va madaniyat orqali xalqni uygotishni, milliy ongini oshirishni va Turkistonda tarakkiy etirishni maqsad qildi. Biroq ularning faoliyati faqat taъlim bilan cheklaniб qolmadi — jadidlar jamiyatdagi **adolatsizlik va korruptsiyaga qarshi gояviy kurashni** ham olib bordilar.

Jadidlar fikricha, Turkistonda tarakkiy etirish uchun:

- taъlim tizimini yangilash;
- ilm-fan va madaniyatni rivojlantirish;
- adolatli boshqaruvni yўlga qўyish;
- xalq ongini uygotish kerak edi.¹

Jadidlar davridagi jamiyatda korruptsiya asosan maъmuriy idoralarda va moлияviy sohada keng tarqalgan edi. Bugungi kun nazaridan qaraganda, bu davrda korruptsiyaning asosiy sabablari quyidagilar бўлган:

Давлат хизматидаги ноқонуний манфаатдорлик ва масъулиятсизлик;

Маъмурий ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш;

Ўқув ва маориф тизимидаги ноқонуний тўловлар;

Амалдорлар ўртасидаги ихтилофлар ва манфаатлар тўқнашуви.

Бу korruptsiya shakllari jadidlarning taъlim va maъrifiy isloхotlarini sezilarli darajada qiyinlashtirgan va jamiyatda adolatsizlikka sabab бўлган. Masalan, maorif muassasalaridagi korruptsiya sababli bilim olish imkoniyatlari cheklangan va ёш avlodning taъlim olish huquqi buzilgan.

Jadidlar jamiyatdagi illatlarning ilidizi **korruptsiya va bilmisizlik** ekanligini anglab etdilar. Ular poraxўr amaldorlar, adolatsiz sud tizimi, xalq manfaatini unutgan mansabdorlar faoliyatini qattiq tanqid qildilar.

¹ Ҳасанов Ҳ. *Жадидчилик ва унинг ижтимоий аҳамияти*. Тошкент, 2000. 21-б

Жадидлар учун коррупция — бу фақат иқтисодий ёки маъмурий муаммо эмас, балки **ахлоқий ҳалокат** эди. Улар фикрича, порахўрлик миллатнинг маънавий кудратини емирувчи иллатдир.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Тараққиёт” газетасида шундай ёзган:

“Порахўр амалдор миллатнинг душманидир. Чунки у адолатни сотади, халқ ишончини йўқотади.”

Жадидлар порахўрликнинг сабабини жаҳолат, таълимсизлик ва маънавий инқирозда кўрдилар. Шу сабаб уларнинг ислохот дастурида биринчи ўринда таълим ва маърифат турди.

Жадидлар халқнинг қашшоқлиги ва давлатнинг заифлиги сабабини порахўрлик, билимсизлик ва беҳурматликда кўрдилар. Улар фикрича, халқ озод ва фаровон бўлиши учун, аввало, жамиятда адолат қарор топиши, раҳбарлар ҳалол ва виждонли бўлиши керак.

Жадидлар фақат сўз билан эмас, амалий ҳаракатлар орқали ҳам коррупцияга қарши курашганлар. Улар жамиятда порахўрлик ва мансаб суиистеъмолини миллатнинг асосий душмани деб билишган.

Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесасида инсонларнинг нафси, пулга берилиши ва адолатсизликнинг оқибатлари сахнада намоён этилган. Бу асар халқни ўйлантириш, жамиятдаги беҳурматлик ва коррупцияни фош этиш учун ёзилган.

Фитрат ўзининг “Ўзбеклар” асарида жамиятнинг таназзули сабабини раҳбарларнинг ҳалол эмаслиги ва халқнинг билимсизлиги билан боғлайди. Унинг фикрича, “ҳалолликсиз давлат барқарор бўлмайди”².

Жадидлар матбуотда — “Турон”, “Садои Туркистон”, “Тараққиёт” каби газеталар орқали коррупция, порахўрлик ва беҳурматликни очиқ танқид қилдилар. Бу ўша давр учун жуда жасур қадам эди. Жадидлар фикрича, коррупциянинг илдизи — жаҳолат ва билимсизликдир. Шу боис улар **янги усулдаги мактаблар** очиб, ёшларга билим билан бирга ахлоқ ва ҳалолликни ҳам ўргатганлар.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Тошкентда очган мактабларида нафақат арифметика ёки география, балки “Одоб”, “Инсонпарварлик”, “Меҳнат ва виждон” дарслари ҳам ўқитилган. **Авлонийнинг “Одобнома” асари**да эса ҳалоллик, бурч, меҳнатсеварлик ва адолатни инсоннинг асосий вазифаси сифатида кўрсатади.

Жадидлар ёшларни тарбиялаш орқали келажакда давлат бошқарувида ҳалол кадрлар вужудга келишига ишонганлар. Улар таълимни жамиятни тозалашнинг асосий йўли сифатида кўрганлар.

² Абдурауф Фитрат. *Ўзбеклар*. Тошкент, 1918. 24-б.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг мактабларида ўқувчиларга нафақат фанлар, балки виждон, ҳалол меҳнат, жавобгарлик ҳақида ҳам таълим берилган. Авлоний “Одобнома” асарида инсоннинг юксак фазилатлари қатори ҳалоллик, бурч ва ор-номусни таъкидлайди.

Жадидлар таълимни давлат бошқарувини тозалашнинг асосий йўли деб ҳисоблаганлар. Улар учун билимли, ҳалол ва фидоий авлод — келажакда коррупциясиз жамиятнинг кафолати эди.

Жадидлар мамлакатни фақат таълим эмас, балки **адолатли бошқарув** орқали ҳам тозалашни хоҳлаганлар. Улар суд тизимида шаффофлик, амалдорлар фаолиятида жавобгарлик бўлиши кераклигини ёзганлар.

Фитрат ва Беҳбудийлар ҳукумат фаолиятини жамоатчилик назоратига олиш, халқ овозини эшитиш, раҳбарларнинг порахўрликдан йироқ бўлишини талаб қилганлар. Улар давлат раҳбарини “хизматчи” деб билган, халқ манфаатини биринчи ўринга қўйишни таълимот даражасига кўтарганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу жараёнда жадидларнинг ғоялари — ҳалоллик, виждон, маърифат ва адолат тамойиллари — ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жадидлар бундан юз йил аввал айтган фикрлар бугун ҳам долзарб:

“Ҳалол инсон миллатни озод қилади, порахўр инсон уни қулликка олиб боради.” Бугунги ёшлар учун жадидлар нафақат тарихий шахслар, балки **ахлоқий намунадирлар**. Улар орқали биз ҳалол меҳнат қилиш, виждон билан яшаш ва давлат манфаатига содиқ бўлишни ўрганамиз.

Жадидлар давлат бошқарувида адолатли тизим бўлмас экан, миллат тараққий этмайди, деб ҳисоблаганлар. **Фитрат** ўзининг “Ўзбеклар” асарида шундай ёзади:

“Давлат раҳбари халқнинг хизматчиси бўлмоғи лозим, унинг қули эмас.”

Унинг фикрича, амалдорлар ҳалол бўлмаса, давлат тизими ҳар қандай қонун билан ҳам барқарор бўлолмайди.

Жадидлар суд тизимини ислоҳ қилиш, адолатли бошқарув, амалдорлар жавобгарлиги ва шаффофлик ғояларини илгари сурганлар.

Бу ғоялар кейинчалик мустақил Ўзбекистондаги **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун** ва давлат дастурларида ҳам ўз аксини топди.

Жадидлар жиноятчиликка қарши курашда асосий эътиборни “инсон онгини ўзгартиришга” қаратган. Бу йўналишда уларнинг қуйидаги чоралари ва ташаббуслари муҳим аҳамият касб этган:

1. Маориф орқали профилактика:

Жадидлар мактаблари фақат диний таълим эмас, балки дунёвий билим ва ахлоқ дарсларини ҳам қамраб олган.

Мунавварқори томонидан очилган мактабларда “Инсон ҳуқуқлари”, “Одоб ва ахлоқ” мавзулари ўқитилган. Бу орқали ёшларда қонунга ҳурмат ва жавобгарлик ҳисси шакллантирилган³.

2. Матбуот орқали жиноятчиликка қарши маърифат:

Жадидлар ташкил этган “Тараққи”, “Шуҳрат”, “Садо-и Туркистон” каби газета ва журналлар орқали аҳолини ҳуқуқий маданиятга қорлаш ишлари олиб борилган. Улар жамиятда адолатсизлик, коррупция ва зўравонлик ҳолатларини фожиа этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтиришга интилишган⁴.

3. Театр ва санъат орқали таъсир:

Бехбудийнинг “Падарқуш”, Авлонийнинг “Зулмат ичида нур” пьесалари орқали ёш авлодни ахлоқ, ҳалоллик ва масъулиятга ўргатиш — бугунги профилактикадаги “маданий таъсир чоралари”нинг илк намунаси сифатида баҳоланади.

4. Ахлоқий ва диний тарбия воситаси:

Жадидлар динни маърифат билан уйғун ҳолда кўрган. Улар диний таълимотнинг асл моҳияти — зулмни қоралаш, адолатни қўллаб-қувватлаш эканини таъкидлашган. Шу орқали жиноятчиликка қарши маънавий иммунитет яратилган.

Жадидлар ғоялари бугунги кун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсати учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Замонавий жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат жазо билан эмас, таълим, ахлоқ ва жамоат назорати орқали самара беради.

Жадидлар ғояларини бугунги кун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида амалий а назарий қўллаш юзасидан таклифлар:

1. Маориф тизимида жадидлар таълимотини интеграция қилиш.

Мактаб ва университетларда жадидлар мероси ҳақида махсус курслар жорий этиш, уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий ғояларини ўқув дастурларига киритиш.

2. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича маърифат дастурлари ташкил этиш.

Авлоний ва Бехбудий асарлари асосида “Адолат мактаби” ёшлар клубларини тузиш таклиф этилади.

3. ОАВ орқали профилактик ахборот сиёсати.

Жадидлар каби замонавий журналистикада ҳам ҳуқуқий билимни оммалаштириш, жиноятчиликнинг ижтимоий илдизларини очиб бериш тизимли йўлга қўйилиши зарур.

4. Маънавий-маърифий муассасаларда жадидлар ғояларидан фойдаланиш.

³ Иброт И. **Тарихи мадорис**. – Тошкент, 1914.

⁴ Холмирозев Б. **Жадидчилик ва ҳуқуқий онг ривож**. – “Юридик фанлар” журнали, 2021, №3.

Масжид, мадраса ва маънавий марказларида жадидларнинг ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларини оммалаштириш орқали жиноятчиликнинг профилактикасида маънавий таъсир кучайтирилиши лозим.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида маънавий профилактика бўлимларини ташкил этиш.

Бу бўлимлар жиноятнинг ижтимоий сабабларини таҳлил қилиб, жадидлар илғор ғояларига асосланган маърифий чоралар ишлаб чиқиши мумкин.

Хулоса

Жадидлар фақат маърифат учун эмас, балки **тоза жамият қуриш учун** ҳам курашганлар. Улар порахўрлик, адолатсизлик ва билимсизликни миллатнинг асосий душмани деб билишган.

Уларнинг асарлари, фикрлари ва амалий фаолияти бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб, замонавий Ўзбекистондаги коррупцияга қарши сиёсатнинг маънавий илдизини ташкил этади.

Шу сабабдан жадидлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг ғояларини ҳаётга татбиқ этиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи ва миллат олдидаги масъулиятидир. Жадидлар орқали биз тарихий сабоқ оламиз: адолатсизликка кўз юмиш — унинг кучайишига сабаб бўлади. Демак, ҳар бир фуқаро жадидларча фикрлаши, яъни ҳалол, виждонли ва фаол бўлиши лозим.

Жадидлар коррупцияга қарши курашда бевосита курашувчи сиёсий ҳаракат бўлмасалар-да, уларнинг маърифатпарварлик, адолат ва миллий уйғониш ғоялари коррупциянинг илдизини қуритишга қаратилган эди. Жадидларнинг бу йўналишдаги фаолияти бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудхўжа Бехбудий. “Тараққиёт” газетаси мақолалари тўплами.
2. Абдурауф Фитрат. “Ўзбеклар”. Тошкент, 1918.
3. Мунавварқори Абдурашидхонов. “Миллатнинг келажаги таълимдадир”.
4. Ҳ.Ҳасанов. “Жадидчилик ва унинг ижтимоий аҳамияти”. Тошкент, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил.